

**КИБРДАН ЙИРОҚ ИНСОН
(ЁҲУД ПРОФЕССОР САЙФУЛЛО
ТУРСУНОВ ФАОЛИЯТИГА
ЧИЗГИЛАР)**

УЛУҒБЕК АБДУЛЛАЕВ

*Андижон давлат техника институти
профессори, тарих фанлари доктори*



Бугун тунда кўзимдан уйку қочди. Бу ҳолат аҳён – аҳёнда бўлиб туради. Шундай вақтда қўлга қалам олиб, ниманидир оқ қоғозга тушириш одатим бор. Бу сафар устоз Сайфулло ака ҳақида, унинг фазилатлари ҳақида, иккимизнинг самимий муносабатимиз, бирга ўтказган давримиз, сермазмун суҳбатлар ҳақидаги хотираларни қоғозга туширишга киришдим.

Одатда ўзинг яхши таниган, яхши билган инсон ҳақида ёзиш ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, унинг характери, ҳаёт тарзи ва илмий – ижодий фаолияти ҳақида кўп нарса биласан, кўп нарса айта оласан. Қийинлиги ҳам шунда-да. Унинг қайси фазилатларини қоғозга туширишни билмай, бошинг қотади. Сайфулло ака худди шундай олий фазилатли инсон.

2005 йилнинг 6 декабри. Ўзбекистон ФА Тарих институти ҳузуридаги ихтисослашган Илмий Кенгашда менинг докторлик диссертациямнинг ҳимояси бўлиб ўтмоқда, қизгин муҳокама жараёнида Сайфулло ака сўз олиб, диссертациямнинг қатор ижобий жиҳатлари ҳақида илмий асосланган фикр – мулоҳазаларини билдириб, қўллаб – қувватлагани кечагидек ёдимда.

Кейинчалик, тарих фанининг билимдони ва жонқуяри Сайфулло Нарзуллаевич билан алоқаларим, ўзаро муносабатларимиз янада мустаҳкамланиб борди.

Айниқса, домлани Сурхондарё воҳаси этнографиясига бағишланган илмий тадқиқотлари менда жуда катта қизиқиш уйғота бошлади. Энди у киши томонидан эълон қилинган мақола ва монографиялар

билан мунтазам танишиб борадиган бўлдим.

Ушбу олимнинг тадқиқотлари ўзининг илмийлиги, бирламчи манбаларга асосланиши ва назарий – методологик жиҳатдан пухталиги билан эътиборга лойиқ.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда Сурхон воҳаси тарихи ва этнографиясини яхши биладиган профессор Сайфулло Нарзуллаевичдек тадқиқотчини учратиш қийин.

Ушбу тиниб – тинчимас, заҳматкаш олимнинг умрини ҳеч муболағасиз илмга бахшида умр, деб айта оламан. Зеро, олим қаламига мансуб кўплаб илмий асарлар, ўқув адабиётлар унинг умр дафтариини безаб турбди.

Сайфулло Нарзуллаевичнинг илмий фаолиятидаги энг асосий принципларидан бири бу ҳалол бўлиш, тарихий ҳақиқатни қатъият билан ҳимоя қилиш ҳисобланади. Илмий давраларда у бу фазилатини намойиш қилганига кўп гувоҳ бўлганман.

Ихтисослашган Кенгашда муҳокама қилинаётган диссертациялар юзасидан у киши албатта ўз фикр – мулоҳазаларини билдиради. Олимнинг бундай фикр – мулоҳазалари мантиқий пишиқлиги ва илмий асосланганлиги билан тингловчиларни эътиборини тортади.

Эътироф қилиб айтаманки, Сайфулло Нарзуллаевич нафақат тарих илми, айни вақтда элшунослик илми бўйича ҳам кенг билимга эга олим ҳисобланади. Шубҳасиз, олимнинг Сурхон воҳаси этнографиясининг турли масалаларига бағишланган қатор асарларида, мақола ва монографияларида

илгари сурилган назарий – методологик қарашлар, илмий асосланган хулосалар ўзбек халқининг этник тарихи ва этник жараёнлар тадқиқига қўшган катта ҳиссадир.

Профессор Сайфулло Нарзуллаевич Турсуновнинг мозий қаршисидаги масъулияти фидойи устоз сифатида ҳам намоён бўлади. Бугунги кунда олимнинг илмий раҳбарлигида 3 нафар фан доктори, 40 нафарга яқин фан номзоди, PhD диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинди. Бу эса олимни ўзининг илмий мактабини ярата олганлигидан далолат беради. Устознинг фаолиятида тарих фанлари бўйича фаолият юритаётган Илмий Кенгашлар алоҳида аҳамият касб этади. Сайфулло Нарзуллаевич бир неча йиллар давомида Термиз давлат университети ҳузуридаги 07.00.01 – Ўзбекистон тарихи ва 07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология ихтисослиги бўйича илмий даража берувчи Илмий Кенгашга раҳбарлик қиладилар ва ушбу Илмий Кенгаш ишида фаол иштирок қилиб келмоқда. Шунингдек, у бошқа ОТМ ҳузуридаги шу каби Илмий Кенгашларнинг аъзоси ҳисобланади.

Ўтган бир неча йиллар давомида Термиз давлат университети ҳузуридаги

ихтисослашган Илмий Кенгашнинг аъзоси сифатида Термизийлар юртида кўп бўлдим. Термиз шаҳрига ҳар борганимда Сайфулло ака ўзи мени кутиб олади ва сафарим якунида кузатиб қўяди. Бундай эътибор уни меҳмондўстлиги, кибрдан йироқлигининг далолатидир. Асл ўзбекка хос бундай фазилат ҳар қандай инсон қалбида ушбу бағри кенг инсонга нисбатан меҳр – муҳаббатини янада оширади.

Оддий мактаб ўқитувчиси сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган Сайфулло ака таниқли ва илм – фанда тан олинган олим даражасигача бўлган машаққатли умр йўлини босиб ўтди. Одатда умр йўлини дарёнинг оқар сувига ўхшатадилар. Ҳаёт қувончларию, ташвишларига йўғрилган унинг ўтган умри ҳеч муболағасиз фарзандлари, яқинлари ва албатта биз каби шогирдлари учун ибрат мактабидир.

Илм – фан фидойиси, намунавий оила бошлиғи Сайфулло Нарзуллаевич Турсунов бу йил 70 баҳорни қаршиладилар. 70 баҳор. 70 ёш. Бу ўлчовлар тарих учун, тарихчи устоз Сайфулло ака учун рамзий ўлчовдир. Ҳолбуки, яратганни ўзи бу қалби дарё инсонни элда азиз қилиб яратиб қўйибди.

Табаррук ёшингиз муборак бўлсин, азиз Сайфулло ака!